



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 21-avgust, payshanba,
95 (24.121)-son

O'zbek xalq
maqoli

O'zim
degan
o'rdan
chiqmas

Zarafshon



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



VATAN UCHUN, MILLAT UCHUN, XALQ UCHUN!

Тараққиёт сари янги йўл

Муносабат



Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир ҳудуд тараққиётига туртки бўлаётгани, айниқса, Самарқанд вилояти учун белгилаб олинган стратегик йўл харитасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Самарқанд вилоятини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу борада янги даврни бошлаб берди, десак муболага бўлмайди.

Бу аниқ, манзилли ва халқчил қарор орқали Самарқанд вилояти нафақат мамлакатимизда, балки бутун минтақа миқёсида замонавий ривожланиш намунасига айланади. Зотан, қарорга кўра, 2030 йилга қадар ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 165 триллион сўмга етказиш, sanoat ва хизматлар соҳасида 6,8 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳажмини 3,5 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган.

Асосийси, бу фақат рақамлар эмас, балки юз минглаб янги иш ўринлари, минглаб оилаларнинг турмуш даражаси юксалиши, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитининг янада яхшиланишини аңлатади.

Қарор доирасида ташкил этиладиган "Самарқанд Инвест компанияси" АЖ давлат ва хусусий сектор ўртасида мулоқот кўпригига айланади. Бундай ёндашув тадбиркорга ишонч, сармоядорга кафолат, аҳолига эса

имконият тақдим этади. Муҳими, компания орқали маҳаллий лойиҳаларга инвестиция жалб қилиш, уларни тезкор амалга ошириш имкони туғилади.

Бу ҳужжат нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, фаровонлиги, эртанги кунни учун масъулият билан ёндашиш намунасидир.

Хуллас, қарор ижросида аҳолининг иш билан бандлиги, таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар, янги мактаблар, шифохоналар, йўллар, ичимлик суви ва инфратузилма объектлари — буларнинг барчаси вилоятимизда янги нафас, янги кайфият уйғотилади.

Демак, қарорнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик орасида тушунтириш, тарғиб қилиш, унинг ижросида жамоатчилик назоратини таъминлашнинг асосий вазифамиздир. Шу маънода, халқ вакили сифатида мазкур қарорнинг ҳар бир банди амалга ошишини қатъий назорат қилиш, фуқароларимиз манфаатини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда фаол иштирок этишимиз зарур.

Марям НИЁЗОВА,
Каттақўрғон туманидаги
"Қумуш тола" хусусий
корхонаси директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



FAOL TADBIRKORLAR E'TIROF ETILDI

Viloyat hokimligida Prezidentimizning 18-avgust kuni qabul qilingan farmoni va farmoyishiga ko'ra, Tadbirkorlar kuni munosabati bilan davlat mukofotlari hamda "Faol tadbirkor" ko'krak nishoni bilan taqdirlangan 14 nafar samarqandlik ishbilarmonlarga ushbu mukofotlarni topshirish marosimi o'tkazildi.

Viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi A.Boboyev davlatimiz rahbari tomonidan e'tirof etilgan samarqandlik tadbirkorlarni tabriklab, bu viloyatdagi barcha tadbirkorlik subyektlari faoliyatiga berilgan yuksak baho ekanligini ta'kidladi.

Marosimda mukofotlar tantanali ravishda topshirilib, barcha tadbirkorlarga muvaffaqiyat tilandi.

– Prezidentimizning biz tadbirkorlarga bo'lgan alohida e'tiborlari tufayli yurtimizda 20-avgustning tadbirkorlar kuni sifatida belgilanishining o'zi juda katta voqea bo'lgandi, – deydi "STD Health Med" mas'uliyati cheklangan jamiyati ta'sischisi,

"Shuhrat" medali sohibi Nasimjon Komilov. – Har yili shu kuni davlatimiz rahbari tadbirkorlar bilan uchrashib, bizning muammolarimiz, taklif va tashabbuslarimizni eshitishlari esa faoliyatimizni yanada kengaytirish, ishimizni rivojlantirishga juda katta imkoniyatlar yaratmoqda. Biz ham ana shu imkoniyatlar, yurtimizda xususiy tibbiyotni qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlar tufayli xalqimizga zamonaviy tibbiy xizmat ko'rsatishga harakat qilyapmiz. Ana shu ishlarimiz e'tirof etilib, davlat mukofoti bilan taqdirlanganimizdan juda xursandman va buning uchun Prezidentimizga jamaomiz nomidan minnatdorlik bildiraman.

ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...

Шодмонқул САЛОМ, шоир:

– Бу дунёни алғов-далғов қилган ҳам, кишилар ҳаётини довулдай ўраб, чирпирак қилиб юборовчи куч ҳам инсон тийнатида яширин бўлган қониқмаслик ҳиссидир.



Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ҳамда нарх-наво барқарорлигига эришиш учун вилоятимиздаги деҳқон бозорларида 19 та арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилган. Ушбу савдо ярмаркаларида аҳолига 32 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари муқобил нархларда етказиб берилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги "Темирийўл деҳқон бозори" энг кўп гўшт маҳсулотлари сотиладиган бозорлардан ҳисобланади. Мазкур бозорда кунига ўртача 3 тоннага яқин гўшт маҳсулотлари сотилади. Мустақиллик байрами арафасида ташкил этилган арзонлаштирилган маҳсулотлар савдо ярмакасида Окдәрә, Тойлоқ ва Паст Дарғом туманлари деҳқонлари 26 турдаги маҳсулотни арзон нархда шаҳар аҳолисига етказиб бермоқда. Арзонлаштирилган ярмаркада гўштининг килограмми 90 минг сўмгача сотилмоқда.

– Жорий йилнинг 1 августидан Тошкент шаҳридаги "СНОР" масъулияти чекланган жамияти томонидан Ҳиндистондан келтирилган музлатилган гўшт арзон нархда, килограмми 55 минг сўмдан 80 минг сўмгача сотилмоқда, – дейди **"Темирийўл деҳқон бозори" 3-сон ветеринария лабораторияси ветврачи Жамила Болтаева.** – Аслида бизга келган маълумотга кўра, Ҳиндистон, Покистон ва Беларусь давлатларидан музлатилган гўшт келиши керак, лекин ҳозирча фақат Ҳиндистондан импорт қилинган гўшт келтириляпти. Аввалига одамлар музлатилган бу гўшдан харид қилишмади, харидор йўқлигидан гўштни қайтариб олиб кетишди ҳам, лекин кейинги 3-4 кундан буён импорт гўшга ўрганиб, харид қилувчилар кўпайди. Музлатилган ҳолда келтирилган гўшт маҳсулотлари сертификатлари бор, божхонада текширилган. Қолаверса, "Халол" сертификати ҳам бор. Аксарият умумий овқатланиш масканлари улгуржи гўшт етказиб берувчилардан импорт қилинган гўшт харид қилиб фойдаланишмоқда.

"Сиёб деҳқон бозори" жойлашуви ва транспорт



Гўшт нархи тушди(ми?)

йўналишлари боис энг кўп харидор келувчи қадимий бозор ҳисобланади. Нафақат шаҳар аҳолиси, балки туманлардан келувчиларнинг аксарияти керакли маҳсулотларни шу бозордан харид қилади. Мазкур бозорда 8 та гўшт дўкони ва 10 та гўшт растаси бор. Бу ерда кунига 1,5-2 тоннагача мол гўшти ўртача 100-130 минг сўмдан, қўй гўшти 110-140 минг сўмдан сотилади.

– Байрам арафасида ташкил этилган арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасида Жомбой, Булунғур, Самарқанд туманлари деҳқонлари ўз маҳсулотларини харидорларга сотишмоқда, – дейди **"Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти иқтисодчиси Асрор Ҳасанов.** – Шунингдек, аҳолини арзонлаштирилган гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш учун Ҳиндистон, Мўғулистон давлатларидан импорт қилинган гўшт маҳсуотлари савдоси йўлга қўйилган. Масалан, Ҳиндистондан келтирилган қорамол гўштининг килограмми 55 минг сўмдан 80 минг сўмгача сотилмоқда. Мўғулистондан келтирилган қўй гўштининг килограмми 70-85 минг сўм. Харидорнинг истагидан келиб чиқиб, маҳаллий чорва молларининг янги сўйилган гўшти килограмми 90 минг сўмгача сотилмоқда.

– Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси ташаббуси билан Наманган вилоятида рўйхатдан ўтган "CHARTAK FIDANI", "PLATINUM MEATS CORP" ва

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган "СНОР" МЧЖлар томонидан вилоятимиз аҳолисига арзон нархда музлатилган гўшт етказиб берилмоқда, – дейди **бошқарма ходими Самар Азимов.** – Бунинг учун Паст Дарғом, Каттақўрғон, Окдәрә, Пайарик, Булунғур, Ургут, Нарпай туманлари ҳамда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида арзонлаштирилган гўшт маҳсулотлари савдо расталари ташкил қилинди. Ушбу расталарда Покистон, Ҳиндистон ва Беларусь давлатларидан импорт қилинган музлатилган гўшт маҳсулотларининг килограмми 85 минг сўмгача сотилмоқда. Ҳозиргача ушбу давлатлардан 2200 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотлари импорт қилиниб, вилоятимиз бозорларида савдога чиқарилди. Шу билан бирга, вилоятимиздаги маҳаллий гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Акмал Тошпўлатов" фермер хўжалиги, "Окдәрә Моний чорвадор" ва импортёр "ПЛАТИНА МЕД" МЧЖлар томонидан Тойлоқ, Жомбой ва Иштихон туманлари аҳолисининг гўшт маҳсулотларига бўлган талаби қондириб келинмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган "Union Meet" МЧЖ билан музокаралар олиб борилиб, Самарқанд шаҳридаги "Сиёб деҳқон бозори" худудидан ер участкалари ажратибли, енгил конструкцияли гўшт расталари қурилмоқда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).

Harbiy triatlonchilar Samarqandda bellashdi

Musobaqada dunyoning 13 davlati — O'zbekiston, Belgiya, Kanada, Ispaniya, Fransiya, Germaniya, Sloveniya, Shveysariya, Qatar, Rossiya, Eron, Portugaliya va Qozog'istondan kelgan 100 nafardan ziyod harbiy triatlonchi ikki toifada — yakkalik va jamoaviy guruh bosqichlarida kuch sinashdi.

Professional sportchilar "Elite" toifasida 750 metr ga ochiq suv havzasida suzish, 19 kilometr velopoyga hamda 5 kilometr yugurish bahslarida ishtirok etdi.

Umumjamoa hisobida Fransiya terma jamoasi birinchi, Rossiya Federatsiyasi ikkinchi va O'zbekiston terma jamoasi uchinchi o'rinni qo'lga kiritdi.

Xalqaro turizm markazidagi "Boqiy shahar" majmuasida 25-jahon chempionati g'olib va sovrindorlarini taqdirlash va musobaqaning tantanali yopilish marosimi bo'lib o'tdi. G'oliblarga tashkilotchilar tomonidan medal, pul mukofoti va esdalik sovg'alari topshirildi.

Fazliddin RO'ZIBOYEV.



22-23-avgust kunlari mamlakatimizda "Obod va fayzli mahalla — yurt ko'rk'i" shiori ostida umumxalq xayriya hashari o'tkaziladi. EZGU ISHDAN CHETDA QOLMANG!

Одамлар энди қаерга мурожаат қилади?

Тўсатдан бундай дейиш ноўрин, биламан. Аммо бунга ҳам сабаб бор. Негаки, Халқ қабулхонлари ҳақида ёзилган мақола, тайёрланган кўрсатув, хуллас, исталган ижодий материалда мурожаатларни эшитувчи идора сифатида кўрсатиларди.



Рост, бир жиҳатдан бу идора, билмадим, балки ташкилот керак эди. Чунки халқ тилида мурожаатлар тўғрисидаги қонун, деб аталувчи ҳужжатда исталган идорага мурожаат қилишингиз мумкинлиги қайд қилинган. Мурожаат қайтарилмайди. У рўйхатга олиниб, тегишлилиги бўйича йўналтирилиши керак. Ҳар ҳолда қонунда шундай ёзилган.

Тўғри, амалда аксар идораларда бу норма ишлаймайди. Мурожаатда кўтарилган масала тегишли бўлмаса, рўйхатга олинмасди. У ҳатто вилоят ҳокимлиги бўлса ҳам. Айни норма Халқ қабулхоналарида тўла-тўқис ишларди. Бу ерда нафақат ижро органлари кўриб чиқадиган масалалар, шу билан бирга суд-ҳуқуқ идоралари билан боғлиқ мурожаатлар ҳам рўйхатга олинарди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарида вилоят аҳолисидан **жорий йил 11 август ҳолатида 59649 та мурожаат рўйхатга олинган**. Бу кўрсаткич **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22660 тага (28 фоиз) камайган**. Бироқ келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш даражаси 6 фоизга пайсмайди, фақат тушунтириш бериш билан чекланилган.

Хусусан, ижобий ҳал этиш даражаси Самарқанд шаҳрида 46 фоиздан 31 фоизга, Тойлоқда 53 фоиздан 41 фоизга, Каттақўрғон шаҳрида 48 фоиздан 38 фоизга, Пайарикда 46 фоиздан 38 фоизга, Булунғурда 44 фоиздан 38 фоизга, Қўшработда 49 фоиздан 43 фоизга, Нурободда 44 фоиздан 38 фоизга, Самарқанд туманида 46 фоиздан 40 фоизга, Ургутда 44 фоиздан 37 фоизга пасайган.

Бошқарма ва ташкилотлар кесимида кўрадиган бўлсак, иқтисодиёт ва молия бoш бошқармасида 10 фоиз, вилоят давлат архивида 14 фоиз, адлия бошқармасида 15 фоиз, ички ишлар бошқармасида 19 фоиз, вилоят фермерлар кенгашида 19 фоиз, кадастрлар палатаси вилоят бошқармасида 21 фоизни ташкил этган.

ОҚИБАТИ ХИС ҚИЛИНМАЯПТИ...

Юқоридаги рақамлардан тушунадигани-а? Мурожаатлар камайган, бироқ уларни на ҳудудий ҳокимликлар, на бошқарма ва ташкилотлар ижобий ҳал

қилиб беришга алоҳида эътибор қаратяпти.

Бунинг оқибатда, аниқроғи, мурожаатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлили олиб борилмаганлиги, тегишли ташкилот ёки идора раҳбарлари томонидан муаллиф иштирокида масалани ечиш чоралари етарли даражада кўрилмаганлиги сабаб такрорий ариза-шикоятлар кўрсаткичи ҳамон юқориликча қолмоқда.

Масалан, такрорий мурожаатлар Самарқанд шаҳрида 1016 тани, Паст Дарғомда 951 тани, Пахтачида 664 тани, Пайарикда 657 тани, Иштихонда 556 тани ва Оқдарёда 434 тани ташкил этган.

Мисол учун, Пайарик тумани Жувозхона маҳалласида яшовчи С.Ибрагимов Қўшрабoт туманида ер майдони бўлмаса-да, кадастр маълумотлар базасида унинг номига ер майдони бириктириб қўйилганлиги сабабли солиқ тўловларидан асоссиз қарздорлик келиб чиқаётганлиги тўғрисида мурожаат қилган.

Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси мурожаатни охиригача ҳал этмасдан “кадастр рақамини бугунги кун ҳолатига ўчиришга киритилганини маълум қилмаиз”, деган мазмунда оралиқ жавоб хати юборган.

Самарқанд шаҳар Хўжақишлоқ маҳалласида яшовчи У.Хайдаровнинг кўчадаги электр устуларини алмаштириб бериш масаласида қилган мурожаати Самарқанд шаҳар электр таъминоти корхонаси томонидан ўрганилиб, ҳал этилмаганлиги оқибатида фуқаро шу масала бўйича 4 марта мурожаат қилган. Лекин мурожаат ҳал этилмасдан, тушунтириш берилди, деб назоратдан чиқарилган.

Балки муносабат шу кўринишга келгани учун одамлар Президент қабулини сўрашга мажбур бўляпти. Зотан, Халқ қабулхонасининг маълумотларига кўра, **Президент қабули сўрови масаласида 204 та мурожаат рўйхатга олинган**. Ушбу мазмундаги энг кўп мурожаатлар Самарқанд шаҳри (30 та), Паст Дарғом (28 та), Пахтачи (19 та), Самарқанд (18 та) ва Нарпай (16 та) туманларига тўғри келмоқда.

ЭНДИ “ДИСПЕТЧЕР” КЕРАК ЭМАС!

Англашилганидек, масаланинг ичига чуқур кириб бормасдан ҳам мурожаатларни кўриб чиқишдаги аниқ муаммолар кўриниб қолмоқда. Ваҳоланки,

у вақти-вақти билан таҳлил қилиниб, эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар, тизимда ортига кетишга сабаб бўлаётган омиллар кўрсатиб борилиши зарур эди.

Шу сабаб 16 июнь куни давлатимиз раҳбари раислигида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

“Халқ қабулхоналари тизими ҳам аҳоли дардини эшитиб, масалаларни ҳал қилиш ўрнига мурожаатларни давлат ташкилотларига тақсимловчи “диспетчер”га айланиб қолди”, – деди давлатимиз раҳбари.

Мисол учун, ўтган йили виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарига юборилган мурожаатларнинг 55 фоизи ижобий ҳал этилмаган.

Тизимдаги камчиликлар ҳисобга олиниб, халқ қабулхоналарининг барча ходимлари ишдан бўшатилиши ва масалани ҳал қила оладиган фидойи кадрлар билан тўлдирилиши қайд этилди.

Эндиликда Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилиши белгиланди. Ҳокимлар ҳар куни ишини шу ерда аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлайди.

“**Ҳокимлар бир нарсани тушуниб олсин, бугун тўғилган муаммони кейинги кунга ўтказишга йўл қўйилмайди. Мурожаатни бошқа идорага юбормасдан, шу ернинг ўзида ҳал қилади**”, – деди Президент.

Бунинг учун туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади. Масалаларни ҳал қилиш учун қўшимча ресурс ҳам берилади.

ХЎШ, НИМА ЎЗГАРДИ?

Биринчидан, барча шаҳар ва туманлар, вилоят Халқ қабулхонаси мудири эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди. Бугунги кунда ҳудудларда биттадан, вилоятда 3 та мутахассис ишлаб турибди. Яъни, шу пайтгача администрация бўйсунувида бўлган ҳудудий халқ қабулхоналари бевосита ҳокимлар бўйсунувига ўтди.

Бинолар ҳам ҳокимликлар балансига берилган. Кейинги вақтда шаҳар ва туман ҳокимлари ҳар бир иш кунида бу ерда жисмоний ва юридик шахслар қабулини ўтказмоқда.

Дарвоқе, аксарияти яхши таъмирланган қабулхоналар бинолари халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларига берилиши тахмин қилинмоқда. Ёдингизда бўлса, тегишли ҳужжатга асосан 2026 йилдан уларга ҳоким раислики вилоят ҳокими бошчилигида сайёр қабул ўтказилган.

МУАММО МУНОСАБАТДА ЭМАСМИ?

Дарҳақиқат, мурожаатларни кўриб чиқишда асосий муаммо бу ишга муносабат ўзгармаётганида бўлмоқда. Мисол учун, жорий йил 23 май куни Жомбой туманидаги “SOF EXPO Samarkand” халқаро кўргазмалар мажмуасида вилоят ҳокими бошчилигида сайёр қабул ўтказилган.

Қабулда 268 та мурожаат рўйхатга олинган ва 121 таси ёки 45,1 фоизи ижобий ҳал этилган, 144 таси ёки 53,8 фоизига тушунтириш берилган (3 тасини кўриб чиқиш рад этилган).

- Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак! – деганди Президент 16 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида.

Майли, бундай ёндашув йўқлиги алоҳида масала. Бироқ мурожаатларни кўриб чиқишда қонун талаблари бузилмоқда. Мисол учун, вилоят ҳокимининг сайёр қабулида тушган 87 та мурожаатни кўриб чиқишда ижро мuddати кечиктирилган.

Ё.МАРҚАЕВ.

So'rang, javob beramiz

Kreditga olingan uyni sotish mumkinmi?

Men dadamning nomiga “Agrobank”dan plastik karta ochib, onlayn omonat qo'yganman. Dadam vafot etdi. Endi shu omonatni o'zimning nomimga o'tkazmoqchiman. Notariusga qanday hujjatlarni taqdim qilishim kerak?

A.MALIKOV, Samarqand shahri.

JAVOB: Avvalambor, dadangiz doimiy ro'yxatda turgan hududda faoliyat ko'rsatadigan notariusga dadangizning o'lim guvohnomasi va o'zingizning shaxsingizni tasdiqlovchi hujjat bilan meros ishi ochish bo'yicha murojaat qilasiz. Notarius meros guvohnomasi bergandan so'nggina bankka meros guvohnomasi va plastik karta bilan murojaat qilishingiz mumkin.

Men uyimni kreditga olganman. Uyni sotmoqchiman. Krediti bilan sotib oluvchining nomiga o'tkaza olamanmi?

S.ABDUSALOMOV, Toyloq tumani.

JAVOB: Kreditga olingan uyni garovga olgan bank taqib saqlangan holda boshqa shaxsga o'tkazishga rozilik xati berishi kerak. Aks holda, kreditni to'liq so'ndirib, uyni taqiqdan chiqarib, keyin boshqa shaxsga o'tkazish mumkin.

Uyimiz qaynotamning nomida. Mening nomimga o'tkazish uchun qanday hujjatlar kerak?

G.ATAXOJAYEVA, Kattaqo'rg'on shahri.

JAVOB: Uy hujjatlari, qaynotangizning pasporti, sizning pasportingiz kerak bo'ladi. Agarda mulkni hadya qilib olmoqchi bo'lsangiz, turmush o'rtog'ingizning tug'ilganlik guvohnomasi va nikoh guvohnomasi kerak.

Avtomobil sotayotganda qaysi holatlarda turmush o'rtog'ining roziligi kerak bo'lmaydi?

M.BERDIYOROVA, Bulung'ur tumani.

JAVOB: Agar sotuvchining nikoh shartnomasi bo'lganda yoki mulkni hadya sifatida qabul qilgan bo'lsa, turmush o'rtog'ining roziligi kerak bo'lmaydi.

Savollarga Samarqand tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mahmud DAVRONOV javob berdi.

Президентимиз раислигида жорий йил 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилишида жойларда соҳа мутасаддилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилиши айтилганди. У орқали маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади.

Нарпай туманида 230,5 минг аҳоли, 57 маҳалла фуқаролар йиғини, 38,5 минг хонадор бор.

Туман йўлбўйи инфратузилмаси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда мевасабзавотни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган.

Нарпай туманида туман ҳокими раҳбарлигида ташкил этилган штабга ҳоким ўринбосарлари, тумандаги таълим, тиббиёт, коммунал соҳа, маҳалла, бандлик, солиқ, тижорат банклари, маҳалла, ёшлар ва бошқа идораларнинг ҳамда 53 та маҳаллага бириктирилган ташкилот раҳбарлари жалб қилинган.

- Штабнинг асосий вазифаси туманни стратегик ривожлантириш ҳисобланади, **- дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси, штаб котиби Сардор Арзиқулов.** – Бунда иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Стратегик ислохотлар агентлиги, бошқа илмий-тадқиқот ва “ақл марказлари” ҳамда хорижий консалтинг компанияларининг таҳлиллари асосида туман-

“Ислохотлар штаби” ҳудудлар истиқболини белгилайди



да аҳоли ва тадбиркорлар кўтарётган муаммо ва таклифлар, ишга солинмаган захиралар, шунингдек, ҳар бир маҳалла кесимида мавжуд имлаб чиқариш ва “ўсиш нүқталари” ўрганилади. Алоҳида танланган ҳудудларда “ўсиш нүқталари” (агротуризм, хизмат кўрсатиш, саноат зоналари, турғужой комплекслари, хусусий клиникалар) асосида мастер-режалар ишлаб чиқилади.

“Ислохотлар штаби”нинг туман котибияти, яъни бизга уч ойда туманнинг ҳар бир маҳалласи кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрлаш вазифаси топширилган. Бунда аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган 5 та асосий масалага устувор аҳамият беряпмиз. Яъни, урбанизация ва уй-жой, коммунал ва йўл-транспорт инфратузилмаси, истиқболли лойиҳалар, саноат зоналари ва даромадли иш ўринлари, ижтимоий соҳа объеклари, бозорлар ва савдо-кўнғилочар комплексларини ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Ҳар бир маҳалла кесимида

хомашё базаси, меҳнат ресурслари, инфратузилма таъминоти, логистика тизими ва “ўсиш нүқталари”ни ўз ичига олувчи “Бизнес хари-та”лар ишлаб чиқилмоқда. Туманда аҳолининг яшаш шароитини тубдан ўзгартира оладиган, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар ҳажмларининг ошишига ёрдам берадиган истиқболли лойиҳалар шакллантирилмоқда.

Туманимиздан йирик автомобил йўли ўтганлиги инобатга олиниб, савдо ва хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳаларини ривожлантириш, шу соҳалар билан шугўлланувчи субъектларни қўпайтириш ва уларга қўмак кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилади. Тижорат банкларининг туманга бириктирилган бўлимлари ҳар бир истиқболли лойиҳа учун салоҳиятли тадбиркорни топиб, лойиҳани молиялаштириди, консультант ва экспертларни жалб қилади, хомашё ва бозорга маҳсулотни омаллаштириш учун айланма маблағ билан таъминлашга қўмаклашади.

“Ислохотлар штаби” томонидан 2025-2027

йилларга мўлжалланган 20 та истиқболли йирик ва ўрта лойиҳалар шакллантирилди. Умумий қиймати 102,7 миллион долларлик лойиҳалар учун 45,6 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари жалб этилади ва натижада уч йилда 3372 та янги иш ўрни яратилади, йилига бюджетга қўшимча 73,9 миллиард сўмлик солиқ базаси яратилади. Мисол учун, “GREEN AKTIV” МЧЖ томонидан қиймати 2,5 миллион долларлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасида 300 та янги иш ўрни яратилади.

Йўналишлар кесимида оладиган бўлсак, саноат соҳасида қиймати 273,9 миллиард сўмлик 8 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 859,3 миллиард сўмлик 7 та, қишлоқ хўжалигида 223,8 миллиард сўмлик 5 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган.

Туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун **4 та давлат мўлки объекти, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун 8,8 гектар ер майдони аукцион савдосига чиқарилган**. Халқаро автомобил йўли бўйида қиймати 1,4 миллиард сўмлик 2 та лойиҳа доирасида 12 та иш ўрни яратиш, маҳаллаларда 20 турдаги 165 та хизмат шохобчалари ташкил этиш, 355 та ер участкаси К-савдо тизими орқали аукционга чиқариш режалаштирилган. Ишсизликни пайсйитириш, аҳолини даромадли ишга жалб этиш бўйича 21,5 мингта мавсумий иш ўрни яратиш юзасидан маҳаллабай чоралар ишлаб чиқилган. Бунинг ижроси бўйича январь-июнь ойларида 11,5 мингта аҳоли доимий ва мавсумий ишларга жалб этилган.

- “Маҳалла еттилиги” ва тижорат банклари билан биргаликда 4845 та камбағал оила хатловдан ўтказилиб, тоифаларга ажратилди, **- дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси**

туман бўлими раҳбари Феруз Искандаров. - Йил якунига қадар ушбу оилалардаги 2 мингдан ортиқ фуқаро доимий ишга жойлаштирилади, 300 нафарига имтиёзли кредит, 48 нафарига ссуда асосида асбоб-ускуналар ажратилади, 1825 нафари тадбиркорликка жалб қилинади ҳамда 27 нафари касб-ҳунарга ўқитилади. Натижада йил якуни билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 2215 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 7,7 фоиздан 5,7 фоизга ҳамда ишсизлик даражаси 5,6 фоиздан 4,8 фоизга туширилади. “Сайхунобод тажрибаси” бўйича 1665 та лойиҳа шакллантирилиб, 3242 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, “Яшил энергия” дастурлари доирасида 200 та аҳоли хонадонига 800 кВт, 2 та кўп қаватли уйга 20 кВт, 50 та ижтимоий соҳа объектига 620 кВт, 177 та тадбиркорлик субъекти биноларига 3060 кВтли қуёш панеллари ўрнатиш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Йилнинг биринчи ярмида ушбу объектларнинг қарийб 60 фоизига қуёш панеллари ўрнатилди.

Ўрганишларда тиббий хизматга эҳтиёжи бор фуқаролар тиббиёт муассасалари томонидан зарур жиҳоз ва дори-дармон билан таъминланиб тиббий хизмат кўрсатилади.

“Ислохотлар штаби”га келиб тушган мурожаатлар қаторида аҳолининг маиший муаммолари кўпроқни ташкил этади. Шундай бўлса-да, бириктирилган масъулар аҳолининг ҳар бир мурожаатини эътиборга олиб, ижобий ечим топиш чораларини кўради. Таклифлар доирасида хорижий инвесторларнинг лойиҳалари, тадбиркорга қўмаклашиш режаларини ҳам учратдик. Бу янги тизим ва кўпчилик аҳоли мурожаатларини қабул қилиш жойи сифатида келган бўлиши мумкин. Бироқ штаб ўзига билдирилган ишончни оқлаб, қўзланган мақсадни аниқ белгилаб, ҳудуднинг уч йиллик ривожланиш режасини тўғри ишлаб чиқа олас, истиқболда ишсизлик, бандлик муаммоларига ечим топилиб, тадбиркорликнинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Зарафшон”нинг махсус муҳбири.

“Dolzarb 90 kun”



- Samarqand davlat universitetining iqtisod yo'nalishida o'qisam-da ingliz tiliga qiziqishim kuchli. Yaqinda IELTSdan 8,5 balni qo'lga kiritdim. Shu kunlarda 50 nafar o'quvchiga repetitorlik qilyapman. Oyiga o'rtacha 15 million so'm daromad topyapman. Bu yutuqlar Past Darg'om tumani Qo'qoni mahallasi yoshlaridan biri Sherbek Alisherovga tegishli.

Oyiga 15 million so'm topayotgan talaba yoxud yozgi ta'til imkoniyatlari



- 7 yildan beri ingliz tilini o'rganaman, - deydi u. – Uch yil avval 6 ballik IELTS sertifikatiga ega edim. Yildan-yilga darajamni oshirib boryapman. Bu yutuqlarga erishishim oson bo'lmadi, albatta. Maktabni bitirgan paytimda “Yoshlar daftari” ro'yxatiga kiritilgandim. Oliy o'quv yurtiga to'lov-shartnoma asosida o'qishga kirganman. Oilaviy sharoitimiz og'irroq bo'lgani uchun birinchi kursligimda kontrakt pulini topish muammo bo'lgan. Shunda mahallamiz yoshlari yetakchisi ko'magi bilan menga “Yoshlar daftari” jamg'armasidan zarur mablag' ajratildi. Bugun o'zimdek qiyinlab, oilasida moliyaviy muammosi bor bolalarga bepul ta'lim beryapman.

Sherbek Alisherov mahalladagi 20-maktabda ta'lim olgan. Mazkur ta'lim muassasasida u kabi bilimga chanqoq, izlanuvchan, yosh bo'lishiga qaramasdan, ko'plab yutuqlarga erishayotgan o'quvchilar talaygina.

- Ayni yozgi ta'til paytida bu yerda “Dolzarb 90 kun” tadbirlari doirasida to'garaklar tashkil qilingan, - deydi maktab direktori Mashhura Turdimurodova.

- Xususan, sportning voleybol, futbol, shaxmat-shashka turlari, musiqa va san'at hamda turli fanlar bo'yicha mashg'ulotlar

olib borilyapti. Bu to'garaklarda har kuni 80 nafardan ortiq o'quvchi qatnashyapti. Maktabda tashkil etilgan to'garaklar samarasi ham yomon emas. Masalan, 7-sinf o'quvchisi Javohir Usmonqulov sportning boks turi bo'yicha mamlakat, ham Osiyo chempionatida 1-o'rinni egallab, jahon chempionatiga yo'llanmani qo'lga kiritdi. 6-sinf o'quvchisi Dinora Zohidova eshak eshish bo'yicha Respublika paralimpiada musobaqasida birinchi o'rinda sazovor bo'ldi.

Mahallada uyushmagan yoshlar ham e'tibordan chetda qolmaydi.

- 2024-yilda “Besh tashabbus olimpiadasi”ning bosh prokuror kubogi uchun o'tkazilgan kurash bo'yicha musobaqaning Respublika bosqichida mahallamiz yoshlaridan biri Marhabo Elmurodova 3-o'rinni qo'lga kiritdi, - deydi mahalla yoshlar yetakchisi Oybek Ko'bayev. - Shu munosabat bilan mahallamiz yoshlari uchun maktab hovlisidan yer ajratilib, “Street work out” maydonchasi qurib berildi. Hozirda “Dolzarb 90 kun” tadbirlari doirasida yoshlarimiz shu maydonchada bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazyapti.

Dilnoza AHMADOVA,
Baxtiyor MUSTANOV (surat).

Президентимизнинг 2023 йил 31 октябрдаги “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб фуқароларга ёшга доир пенсияларни алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби жорий этилди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшга ўлиши муносабати билан ёшга доир пенсиялар Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идоралараро ахборот алмашишуви асосида олинadиган фуқаронинг иш стажы, иш

«Агар чанг бўлмаганида инсон минг йил умр кўриши мумкин эди!».
Микробиология ривожланишидан анча олдин буюк қомусий олим, табиб ва файласуф Абу Али Ибн Сино атроф-муҳитнинг инсон организмига таъсирини ана шундай баҳолаган.

Дарҳақиқат, биз чанг билан «қоришиб» яшаймиз. Чунки ҳавода кўп, атроф-муҳитга тарқалади, танага ўтиради ва афсуски, организмга осон кириб боради. Чанг - ҳавода учиб юрувчи майда зарралардан йиғиндиси бўлиб, тупроқ ва қумдан ташқари, турли мавжудот, одамлардан тушган қуриган тери (уй чангининг 80 фоизи), мато, елим, металл парчалари, ўсимлик чанги, замбуруғ споралари, бактериялар, вирус ва бошқалардан иборат. Айниқса, шахар муҳитида, транспорт кўп жойларда, ёпиқ бинода бу моддалар тўпланса, ҳаво сифати бузилади ва жиддий касалликларни кўзғатиши мумкин.

Чангдан айниқса, ёзининг иссиқ кунларида азиат чекамиз. Бунинг устига аксарият жойларда кетаётган, охири кўринмайдиган қурилишлар

Чангсиз минг йил умр

Ёхуд чанг босган маҳсулотлар сотуви хусусида



вазиятни янада оғирлаштиради. Уйлар деразасини очиб бўлмайди, ҳар бир машина ўтганда бурқсиб кўтарилган чанг-тўзон бир зумда уйни қоплайди, нафас олиш қийинлашади.

Чанг ҳақида гапирар эканмиз, Ўзбекистон атмосфера ҳавосидаги чанг миқдорига таъсир этувчи бир қанча иқлимий-географик омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Мамлакат қурғоқчил зонада, яъни қуруқ клим, юқори ҳароратли ва намлиги паст чўл ва ярим чўл зонасида жойлашган. Қуруқ ҳаво ерга тушган ифлослантирувчи модда зарраларини осонгина ҳавога кўтаради, зарраларнинг чўкишига ёрдам берадиган намлик етарли эмас.

Ана шундай вазиятда чанг билан курашиш, уй ичини тез-тез артиш ва шамоллатиш, тозаликка эътибор қаратиш жуда муҳим.

Бу маълумотларни ёзишимга бир ҳолат туртки бўлди. Эътибор берган бўлсангиз, кичик дўкон ёки супермаркетларнинг аксариятида қадокланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари усти очик ҳолда сотилади. Турли печенье-лардан тортиб, нон ва кондитер маҳсулотлари, қадокланмаган қуруқ чой дейсизми, барчаси қутиларда, аммо очик турибди. Уларнинг устига кун бўйи қанча чанг ўтиришини тасаввур қилиш қийин эмас (ҳашаротларни ҳам эсдан чиқармаслик керак). Ваҳоланки, сотувчи маҳсулотни сақлаш талаблари, озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги, уларни сотиш шартлари келтирилган қонун-қоидаларга амал қилиши шарт.

Ана шундай дўконларнинг бирига кириб сотувчидан сўрадим:

- Бу маҳсулотларингиз очик ҳолда

сотилапти, дўкон эшиги очик, тасаввур қияпасизми кўчадан қанча чанг кириб устига ўтиради?

- Бу харидорни жалб қилиш учун, усти ёпиқ турса, кўрмай кетишади, - деди сотувчи.

- Ахир сиз харидор саломатлигига путур етказяспиз.

- Опа, бизда бу маҳсулотлар бир кунда сотилади. Чанг ёки яна нимадир ўтиришга ҳам улгурмайди.

Албатта, сотувчининг бу гапига ишониш қийин.

Лекин ҳамма дўконларда ҳолат шундай деб бўлмайди. Бир куни кичиккина бир дўконга киришимга тўғри келди. Бўсағасидан хохламайгина қадам ташладим ва киришим билан ҳайратда қолдим. Пештахтада турган қутилардаги печеньелар дока билан ёпилган, ҳамма жойи саранжом-саришта.

Озиқ-овқат маҳсулотларини чанг ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун унинг устини ёпиб қўйиш зарур. «Очик қолган егуликка шайтон қўл уради» дейишади кексалар.

Ҳозир, глобал экологик муаммолар авж олган бир пайтда атрофимизда саломатлигимизга зарар етказиши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш, уйимиз, кўчамиз, иш жойимизни чанг-ғубордан тозалаш, бир қарашда оддийгина, безарар бўлиб кўринган ҳаётий қоидаларга риоя қилиш инсонийлик бўринчидир.

Гулнора ХОЛДОРОВА.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

DA'VOLAR BO'LSA...

Toyloq tumanida xizmat safaridagi Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasida marhum Norkulov Xayitboy Temirovichga (2015-yil 25-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Toyloq tumani Beruniy ko'chasi.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Rahmonov Sarvar Ne'matillovich notarial idorasida marhum Breslavsev Yuriy Vladimirovichga (2023-yil 23-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Rahmonov Sarvar Ne'matillovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 60-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasida marhum Azimova Istat Gulyamovna (2020-yil 14-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Nodirabegim ko'chasi, 5/1-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasida marhum Maxmudov Mamadaliga (2009-yil 8-mayda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Nishonova Umida Ismatillayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Rudakiy ko'chasi, 132-uy, 2-xona.

Narpay tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Qurbonov Azizjon Ro'ziyevich notarial idorasida marhum Xalatova

Olga Petrovnaga (2020-yil 2-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Qurbonov Azizjon Ro'ziyevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Narpay tumani Oqtosh shahri, Imom Buxoriy ko'chasi.

Narpay tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Qurbonov Azizjon Ro'ziyevich notarial idorasida marhum Xalatova Aleksandra Grigoryevnaga (2022-yil 4-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Qurbonov Azizjon Ro'ziyevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Narpay tumani Oqtosh shahri, Imom Buxoriy ko'chasi.

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mirzayeva Barno Jo'raqulovna notarial idorasida marhum Mamatkulov Amankulga (2021-yil 26-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mirzayeva Barno Jo'raqulovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Jomboy tumani Shuniso ko'chasi, 4-"A" uy.

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasida marhum Ergashov Toshboltaga (2020-yil 1-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Jomboy tumani Saroy ko'chasi, 15-uy.

TOPGANGA MUKOFOT

Abduraxmonov Abdulatif Nodir o'g'lining 2020-yil 2-noyabrda berilgan “BC” toifali, AF 2013630 raqamli haydovchilik guvohnomasi Samarqand tumani hududida tushurib qoldirilgan. Ushbu haydovchilik guvohnomasini topganlardan mukofot evaziga qaytarishlarini so'raymiz.

Telefon: +99899-599-47-47.

Уйда кулайлик муҳим

Акс-садо



“Zarafshon» газетасининг 2025 йил 8 июль сонида Ўктам Худойбердиевнинг “Уйда ҳашамат муҳими ёки қулайлик?” сарлавҳаси остида босилган мақоласида халқимиз турмушининг муҳим масаласи кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтда халққимизнинг турмуш даражаси анча юқорилади. Натижада фуқаролар янги уй-жой қурмоқдалар, сотиб олмоқдалар. Бу яхши, назаримда.

Аммо ҳашаматли уй қураётганлар ер майдонининг сейсмик ҳолати, тупроқ жипслиги, ерости сувининг баянда-пастлиги, қурилиш материалларининг сифати ва чидамлилиги каби қатор ҳолатларни мутлақо ўрганмасдан 2-3 қаватли иморатлар қурмоқдалар. Уй қурилишида коммунал тармоқларнинг имкониятлари ҳисобга олинмапти, яъни табиий газ тармоғига уланганда ушбу ҳудуддаги газ босими етарли бўладими – йўқми, электр тармоғига қўшилганда бу ердаги нимстанция қуввати кучланиш бера оладими, тоза ичимлик суви босими қандай, оқова сув қайси йўл билан чиқарилади, деган саволларга жавоб топилмасдан, бинолар барпо этилмоқда.

Уй-жой эгалари иморатларни асосан кўни-кўшнига кўз-кўз қилиш мақсадида қурмоқда. Бунда катта эътибор уйнинг ташқи тарафига берилиб, қимматбаҳо қурилиш материаллари (гранит, мармар каби) билан безалмоқда. Бинонинг ичкариси эса кўп



ҳолатларда, ҳатто, сувоксиз ҳам қолиб кетмоқда. Нархи фалон сўм бўлган дарвозалар ўрнатилмоқда. Уй ёнидаги пиёдалар йўлакчаларига ҳам чиқиб кетиб дарвоза ёки айвон қурилмоқда. Қор-ёмғир сувлари оқиб кетишига мўлжалланган ариқлар ҳам эгаллаб олинмоқда. Натижада қиш ва баҳорнинг ёмғирли кунлари кўчаларни сув босиб кетади.

Бунинг устига ҳашаматли бино қурган кишилар кўчага мутлақо эътибор бермайди. Йўллар ўйдим-чүқүр бўлиб ётаверади.

Уй қурилишида унда қулайлик бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча ҳашаматли уйларнинг ҳаммоми, ошхонаси, ҳожатхонаси ёки хоналардан хоналарга ўтиш йўлакчалари талабга жавоб бермайди.

Иморат баянда ва ҳашаматли бўлмаса-да, ундаги шарт-шароит хонадон соҳиби ва соҳибаларининг ҳаёт кечириши учун қулай бўлиши керак.

Йўлдош СҮЮНОВ,
меҳнат фахрийси.

БОБОМ БИЛАН ФАХРЛАНДИМ

Яқинда Афғонистондан бир зиёли меҳмон бобом Саидризо Ализода номи билан аталувчи уй-музейга ташриф буюрди. Қорабоғ вилоятининг Ғазна шаҳридан келган киши олим Аҳмад Азизий экан. Тезда танишиб олдик. Меҳмон 1984 йилда Ғазнада туғилган ва шу ерда мактабда таълим олган. Кейинчалик Германияда, Берлин университетидида ўқиган ва фалсафа докторлиги бўйича диссертация ёқлаган. Меҳмон турк, рус, немис, инглиз, араб тилларини ҳам яхши билар экан.



Сўхбат чоғида шу нарса маълум бўлдики, бундан ўн йилча илгари у кадрдон шахридаги китоб растасида қадимий муқовада турган «Муросолат» китобига кўзи тушади. Муаллифи – самарқандлик Саидризо Ализода.

– Қарасам, бу муаллифнинг икки

жилддан иборат «Дунё тарихи» китоби ҳам бор экан, – деди меҳмон. – Бу китобларни ўқигач, менда аллома ижодига қизиқиш уйғонди. Унинг асарларини топиб, ўқиб бошладим. Ўн йил ичида Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бир неча араб давлатларидаги кутубхоналардан унинг имзосига оид мақола, журнал ёки китоблар топдим.

Ўзининг айтишича, Аҳмад Азизий тўплаган ана шу материаллари асосида катта монография ёзаётган экан. Уни Берлинда чоп қилиш нияти борлигини айтди.

– Менда Ализоданинг кўп тилларни билиши ва серкирра ижоди ҳавас уйғотди, – давом эттирди сўзини меҳмон. – Таржималардан ташқари, тарбияга, сиёсатга оид мақолалари билан ҳам танишдим. Албатта, алломанинг ноҳақ қамалиши, суд ҳукми билан оқланса-да, турмада ўтириб, вафот этишига ачиндим. Шу боис ҳам ислом дунёсида ана

шундай фидойи зиёли борлигини Ғарб давлатлари ўқувчиларига айтишни мақсад қилиб қўйдим.

Меҳмон ноутбукни ёқиб, аллақачон ёза бошлаган ва ниҳоясига етказиб қўйган китоблари муқоваларини кўрсатди.

Маълумот учун айтишнинг керакки, «Дунё тарихи» китоби аслида турк ёзувчиси Ҳусейн Эфзи томонидан ёзилган ва у 1906-1907 йилларда Истанбулда чоп этилган. Саидризо Ализода эса форс тилига таржима қилиб, 1923 йилда Покистонда чиқарган. Унда 45 дан зиёд мамлакат ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Хуллас, афғонистонлик олим Аҳмад Азизий билан сўхбатлашиш, ундаги маълумотлар билан танишиш жараёнида жаҳон маънавий хазинасига муносиб ҳисса қўша олган жадид бобом билан яна бир қарра фахрландим.

Фарҳод АЛИЗОДА.



Телефондан фойдаланиш одобини биласизми?



Яқинда бир кишининг маъракасида қатнашдим. Оқсоқоллар, бошқа ҳудуддан келган меҳмонлар, марҳумнинг яқинлари ва дўстлари бор эди. Йиғилганлар дуога қўл очган бир пайтда бир кишининг телефони жиринглаб қолди.

Қўшиқ тарзидаги сигнал овози бутун маъракага ёйилиб, барчанинг диққатини тортди. Одамлар ён-атрофига қаради, дуо қилаётган тўхтаб қолди. Телефон эгаси эса шошилганча телефонини ўчиришга уринди, лекин кеч эди. Кўпчиликнинг қайфияти бузилди, ноқулай ҳолатга тушди.

Телефонимиз шунчаки алоқа воситаси эканини унутиб қўяётганимиз ачинарли. Технология қанча ривожланмасин, одоб-ахлоқни унутмаслик керак. Жамоат жойларида, маърака, масжид ёки дарс пайтида телефонни овозсиз ҳолатга ўтказиш, кераксиз сўхбатлардан сакланиш телефондан фойдаланиш одобининг илк қоидаси эканигини ёдда сақлашимиз шарт.

Турди ТУРСУНОВ,
меҳнат фаҳрийси.

Истироҳат боғи деганда кўз олдимизга яшил майдонлар, гўзал манзаралар, тоза ҳаво ва болаларнинг қувноқ овози келади. Бу масканларга нафақат дам олиш, балки оила аъзолари билан мазмунли вақт ўтказиш, болаларнинг савиясини ошириш ва экологик муҳитдан баҳра олиш имконияти сифатида қаралиши керак. Бироқ амалда бу манзара доим ҳам учрамайди. Чунки вилоятдаги истироҳат боғларининг аксариятида маданий дам олиш учун етарли шароит яратилмаган.


Каттакўрғон шаҳар аҳолиси қаерда дам олади?

Аттракционларнинг аксарияти эскирган, кўп ҳолларда уларни бошқараётган ходимлар тегишли мутахассисликка эга эмас. Айрим туманларда эса умуман аттракционлар йўқ. Натижада аҳоли учун мазмунли ҳордик чиқариш имконияти чекланмоқда ва туризм салоҳиятини ошириш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб турибди.

Замонавий талабларга жавоб берадиган, хавфсиз ва қизиқарли дам олиш масканларини яратиш учун эса аввало, истироҳат боғларида бошқарув тизимини тўғри танлаш керак. Бизда истироҳат боғларининг бошқарув тизими “саёхатчи”га ўхшади — бир маданият вазирига тасарруфидидаги ташкилотларга, бир маҳаллий ҳокимликлар билан фаолият юритгани ҳамда ҳудуднинг қаровсиз қолдирилгани сабаб бўлган. Шунингдек, боғдаги 40–50 йиллик дарахтларнинг юқори қисми кесилиб, сўнгга қуриши оқибатида сотиб юборилгани жамоатчилик норозилигини келтириб чиқарган. Натижада фуқаролар дам олиш учун ушбу ҳудудга келмай қўйган.

Қарийб 5 гектар майдонни эгаллаган боғ шу йил шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида “JJA GOLD” МЧЖга берилган ва 15 миллиард сўмлик лойиҳа эвазига истироҳат боғини реконструкция қилиш ҳамда қўшимча аттракционлар ўрнатиш белгиланган.

– Боғни қабул қилиб олганимизда жуда ачинарли ҳолатда



эди, – дейди Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи иш юритувчиси Азизбек Аҳмадов. – Дастлаб ҳудудда ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бордик. Шу кунга қадар боғ ҳудудига 13 та янги аттракцион ўрнатиб, мажмуд 3 та ўйин қурилмаси капитал таъмирланди. Айни пайтда боғда 20 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда. Шунингдек, ҳудудда амфитеатр ҳамда мини-футбол майдони қурилиши давом этмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишлари 2026 йилда тўлиқ якунланиши ва ҳудудни шаҳар марказидаги замонавий истироҳат боғига айлантириш режалаштирилган.

Истироҳат боғларининг самарали фаолият юритиши учун уларда барқарор бошқарув, тизимли назорат, замонавий инфратузилма ва узоқ муддатли режалар бўлиши шарт. Умид қиламизки, Каттакўрғон шаҳридаги истироҳат боғида амалга оширилаётган ишлар бу масканни қайта тиклаш ва аҳоли учун муносиб дам олиш ҳудудига айлантиришга хизмат қилади.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕ,
“Зарафшон” муҳбири.

Биз учун кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган фаровонлик манзаралари энди фақат расмий статистик ҳисоботлар ёки рақамларда эмас, балки кундалик турмушимизда, сезиб-сезмай қолаётган халқчил ислохотлар ва инсон эҳтиёжларининг индивидуал хусусиятларининг умумий сиёсатга уйғунлигида намоён бўлмоқда. Мана шундай фаровонлик мезонлари инсон ҳаётининг турли жабҳаларида – иқтисодий барқарорликдан тортиб маънавий юксалишгача, орзуларнинг амалга ошиши ва умидлар рўёбида ўзининг равшан ифодасини топмоқда.

Фаровонлик манзаралари

ЭНДИ БОШПАНАЛИ
БЎЛИШ – ОРЗУ ЭМАС,
ҲАҚИҚАТ!

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда унинг яшаш шароити ва стандартлари, замонавий уй-жойлар билан таъминлангани энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Авваллари уй-жойга маълум бир тоифадаги инсонлар тўлов қилар, қўйи қатламдагилар эса буни орзу қилиши ҳам мушкул эди. Аммо кейинги йиллардаги аҳолини тураржой билан таъминлаш ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга қаратилган самарали ислохотлар натижасида уй олиш имкони борасидаги тафовутлар кескин қисқариб, барчага бошпанали бўлиш имконияти яратилмоқда.

Маълумотларга кўра, сўнгги саккиз йил ичида вилоятимизда умумий ҳисобда 1 минг 132 та кўп қаватли уй барпо этилди. Бу нафақат ҳудудлар кўриниши ва инфратузилмасини бутунлай янгиледи, балки 56 мингдан ортиқ оилани янги замонавий уй-жой билан таъминлаб, уларнинг турмуш даражасини тубдан яхшилади. Янги қурилган ҳар бир уй инсон тақдирдаги янги саҳифа, оилавий барқарорлик ва фаровонлик тисмолига айланди.

– Ёлғиз она бўлганим сабабли уй олиш мен учун деярли имконсиз туйиларди, – дейди пастдарғомлик Муниса Шомуродова. – Уч фарзандим билан бирга ота-онамнинг кичик хонадонидида яшар эдик. Ҳар куни фарзандларимга муносиб

та бўлиб, уларда 23 минг талаба тахсил олган бўлса, бугунга келиб 19 та таълим муассасасида 101 минг 710 нафар талаба-ёшлар ўқимокда.

Узлуксиз таълим ижодий, ижтимоий фаол ҳамда маънавий бой шахсни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Узлуксиз таълимнинг ягона тизимида эса мактабга тайёргарлик муҳим ўрин тутди. Авваллари фақат шаҳар жойларда ишлайдиган оналар фарзандлари мактабгача таълим билан қамралган бўлса, бугун тармоқда кенгайиш ҳисобига қамров даражаси кескин ошган. 2010 йилда 574 та боғча фаолият юритиб, тарбияланувчилар сони 45 минг 298 нафарни ташкил этган бўлса, бугун 4 минг 100 та мактабгача таълим ташкилоти 275 минг 719 нафар бахтиёр болажонларни ўз бағрига олган. Бу билан ҳудудларда болалар учун қулай, хавфсиз ва рағбатлантирувчи муҳит яратилиб, келажақ авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига замин яратилмоқда.

Замонавий тиббий технологиялар жорий этилиб, аҳолига кўрсатилмаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги кескин ошди. 2010 йилда вилоятда 117 та тиббиёт муассасаси мавжуд бўлиб, улар 14 минг ўринга эга бўлган бўлса,



шароит яратишни орзу қилардим, аммо молиявий имкониятлар чеклангани сабаб бу фақат орзу бўлиб қолаверарди. Бироқ юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш сиёсати туфайли бугун мен ҳам ўз уйимга эга бўлдим. Гўзалкент кўрғонидаги янги уйлардан, субсидия орқали хонадон олиш имконига эга бўлдим. Ўз навбатида муддатли тўлов шароитини яхшилаш учун, туман ҳокимлиги томонидан ишли бўлишимда ҳам катта қўмак кўрсатилди. Бу нафақат мен, балки фарзандларим учун ҳам янги ҳаёт бошланиши бўлди.

ФАРОВОНЛИК ФАҚАТ
МОДИЯТДА ЭМАС

Фаровонлик фақат бойлик ёки моддий нёъмат эмас, у тинчлик, адолат, таълим, тиббиёт, иш ва истикбол демакдир. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг ҳаёт сифати, фаровонлигини таъминлашда муҳим мезон ҳисобланади. Маълумки, авваллари олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин бўлган. Қвоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Бу масалалар ҳисобга олиниб, олий таълимга қабул квотаси йилдан-йилга оширилмоқда. Вилоятда 2010 йилда олий таълим муассасалари 6

бугунги кунда шундай муассасалар сони 125 тага етказилиб, ўринлар 17 минг 115 тани ташкил этмоқда. Албатта, бу шунчаки маълумот эмас, бу рақамлар ортида инсон саломатлигига бўлган юксак эътибор мужассам.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасидаги хизматларнинг қўлини ва қамрови фақатгина давлат шифохоналари билан чекланиб қолмаппти. Хусусий тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда. Шунингдек, тиббиёт соҳасидаги кадрлар салоҳиятида ҳам жиддий ўсиш кузатилди. 2010 йилда вилоятда 8 минг 61 нафар шифокор фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 11 минг 988 нафарга етган.

ТЎКИНЛИКДА –
ФАРОВОНЛИК АКСИ

Одамлар эҳтиёжларининг турли тоифасида энг муҳими, унинг озиқ-овқат товлари истеъмол меъёрлари мезон бўлиб, эл дастурхони тўқинлиги фаровонлиқнинг асосий ўлчовидир. Кейинги йилларда аҳоли ҳисобатинан даромадлари ҳам юқори суръатлар билан кўпайиши сабабли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми, сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда.

Ўтган 2024 йил якунида вилоят-

да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 57,4 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 63 триллион сўмга етиши, 103,8 фоиз ўсишга эришиш прогноз қилинган. Статистик маълумотларга кўра, ўтган олти ойда 21,1 триллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, 104,6 фоиз ўсишга эришилган. Вилоят бўйича 90,6 минг гектар галладан бўшаган майдонларда тақририй экинлар экилди ва улардан 500,5 минг тонна ҳосил олиш кутилмоқда. Албатта, бу рақамлар шунчаки хомбўт эмас, реал тажриба синови асосидаги аниқ кўрсаткичлар. Қандай ўлчов билан қаралмасин, бу натижалар – оддий туپроқда унадиган нишона эмас, балки “ақл билан сўғорилган”, миллий иқтисодиётнинг инновацион агростратегияси меваси.

ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ
ОВОЗИГА ТАЯНАДИ

“Энг яхши нарсаси эга бўлган эмас, балки ўзидаги бор нарсани энг яхши деб билган киши бахтлидир”.

КОНФУЦИЙ.

Ҳа, бугун атрофимиздаги кўпгина яхши ўзгаришларни, “ношукурлик синдроми”да кўпмакка илғайвермаймиз. Биз учун кўнмакка айланиб қолаётган фаровонлик омиллари шу кунга қадар кўпгина ислохотларда – валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши, давлат хизматлари тизимининг ривожлантирилиши, ортиқча бюрократияга барҳам берилиши, мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатининг тугатилиши, коммунал тизимнинг тубдан ўзгаришида, муҳим ижтимоий инфратузилмаларнинг амалга оширилишида намоён бўлмоқда.

Худди шундай, қишлоқ ва шаҳар тафовутини камайтириш, аҳолининг барча қатламлари муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш борасида сўнгги йилларда халқчил солиқ ва бюджет сиёсати йўлга қўйилди. Бу энг аввало, бюджет жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириди, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди. “Менинг йўлим”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” лойиҳаларини шакллантириш, бюджет маблағларини аҳоли фойдаланишига хизмат қиладиган лойиҳаларга йўналтириш ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокни таъминлаш механизмлари янада такомиллаштирилди. Натижада бу лойиҳалар орқали аҳоли ўз овози билан ўз маҳалласини обод қилиш, инфратузилмасини яхшилаш имконига эга бўлди.

Ҳа, баъзан шукроналикдан бошқа ҳамма нарсамиз бордек туюлади. Аслида, ҳақиқий фаровонлик шукроналик билан бошланади, қаноат билан давом этади, ишонч билан юксалади. Дарҳақиқат, Самарқанддаги фаровонлик манзаралари энди қайсидир келажақ орзулари эмас, бу – Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, “Инсон қадри учун” тамойили асосида шаклланаётган бугунги ҳаётимизнинг аён ва сезиларли кўриниши.

Шўхрат НОРМУРОДОВ.



МУАССИС: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 13 823 nusxada chop etildi. Buyurtma 393. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitaman ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.


Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda